ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'.K.U.F. F.T.U.U.

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

*Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган*

2006 йил 14 июл, жума № 117 (2166)

**Ушбу сонда:**

2 ИЛМ ВА МАДАНИЯТ МАРКАЗИ
3 МАКТАБГА, МАШИНАДА
4 АДОЛАТДАН МУНАВВАР МАСКАН

*Ёзги соғломлаштириш*







***Бугун сўлим оромгоҳлар қўйнида болажонларнинг шодон кулгулари янграмоқда. Чунки мавсумга пухта ҳозирлик кўришда ҳокимликлар, касаба уюшма ташкилотлари, ҳомийлар томонидан бир қанча амалий ишлар қилинган.***

# МАРОҚЛИ ДАМ ОЛИШМОҚДА

Айни вақтда «Келажак» болалар оромгоҳи ҳар қачонгидан гавжум. Маскан Чотқол тоғ тизмасининг Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги «Ҳожикент» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудининг хушманзара табиат қўйнида жойлашган. Кираверишдан йўллар асфальтланган. Йўл четларига экилган хушбўй гуллар очилиб, ўзгача манзара кашф этган. Мавсум арафасида оромгоҳ жорий таъмирдан чиқарилди. Янги жиҳоз ва ускуналар билан таъминланиб, бинолар қайта таъмирланди. Шунингдек, қўшимча ювиниш ва ётоқхоналар қурилиб, ишга туширилган. Маънавият ва маърифат хонаси, кутубхона ташкил қилинган. Унда 650 га яқин бадиий адабиётлар мавжуд.

Бу ерда ҳар босқичда 300 нафардан ошиқ ўқувчилар дам олдирилиши режалаштирилган бўлиб, айни дамда меҳнаткашларнинг 320 нафар фарзандлари ҳордиқ чиқаришмоқда. Дам олувчиларнинг аксари пахта тозалаш корхонаси ишловчиларининг фарзандларидир. Улар имтиёзли равишда дам олдирилмоқда. Болаларнинг таътил кунлари мароқли ўтиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилганини бир қарашда билиш мумкин. Стадион, спорт майдончаси, сузиш ҳавзаси ва стол тенниси мавжуд бўлиб, ўқувчиларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришларига хизмат қилаяпти. Эътиборли жиҳати шундаки, санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган 300 ўринли ошхонада олти маҳал овқатланиш ташкил қилинган.

—Болаларни гуруҳларга бўлиб, спорт тўгаракларига жалб этганмиз, — дейди оромгоҳ жисмоний тарбия йўриқчиси Алфия Сулейманова. — Уларнинг хоҳлаган спорт тури билан шуғулланиши учун шароитлар етарли. Кам таъминланган оила фарзандларига спорт кийимлари ва пойафзал олиб берилди.

— Оромгоҳни вилоят «Пахтасаноат» акциядорлик бирлашмаси оталиғига олган, — суҳбатни давом эттиради оромгоҳ раҳбари Саида Абдураҳмонова. — Улар ҳомийлигида йўлланмалар юз фоиз бепул берилмоқда. Озиқ-овқат харажатлари ҳомийлар маблағи ҳисобидан қопланаяпти. Бу ерда болажонларнинг дам олиши мазмунли ўтиши учун кулолчилик, япон миллий ҳунармандчилиги аригами, театр студияси, моҳир қўллар, миллий рақс, тасвирий санъат тўгараклари ҳам ташкил қилинган.

— Мен оромгоҳга шунчалик ўрганиб қолдимки, — дейди Янгибозорлик 34-мактаб 6-синф ўқувчиси Шерзод Ҳайдалиев. — Азалдан шахмат-шашкага қизиқардим. Бу ерга келиб малакам яна ҳам ошди. Моҳир қўллар, кулолчилик каби тўгаракларда ҳам қатнашяпман. Ўз фарзандларини кўриб кетиш ниятида келган ота-оналардан оромгоҳ шароити ҳақида фикрини билмоқчи бўлдик.

— Бўкаданмиз. Оромгоҳда ўғил-қизларимиз мароқли дам олишди. Уларни меҳр билан тарбиялаган етакчи опаларига ва шундай шароитлар яратган ҳомийларга ҳамма ота-оналар номидан миннатдорчилик билдирамиз, - дея таъкидлашди М,Нортожиев, Ғ.Нортожиева, Қ.Эрматов ва Г.Эрматова.

Лекин ютуқ бор жойда камчиликлар ҳам бўлиши табиий. Масалан, стадионга чим ёткизилиши, ҳар хил ўйин ва тадбирлар ўтказиладиган майдончага асфальт ёткизилиши лозим. Маънавият ва маърифат хонаси ҳамда кутубхона тор. Булар яна ҳам бойитилса яхши бўларди. У болалар адабиёти билан таъминланган, бироқ улар учун газета ва журналлар мавжуд эмас. Агар шу масалалар ҳал қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Шу ҳудудда жойлашган яна бир маскан «Зангори Олов» оромгоҳи ҳақида қисқача тўхталсак. Шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, ушбу оромгоҳда фаолият кўрсатаётган жонкуяр инсонларнинг спортни оммалаштириш, соғломлаштириш, касбга йўналтириш, умуман, мавсумни мароқли ўтказиш учун бир қатор кўнгилочар тадбирлар режалаштирилган. Оромгоҳ манзарага бой бўлган, атроф-муҳити гуллар, манзарали дарахтлар билан қопланган, қиру адирлар, салобатли тоғ бағрида жойлашган.

— Ўғил-қизларимиз кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун жорий йилда оромгоҳимизда бир қанча ишлар амалга оширилди. Бинолар таъмирланди, ётоқхоналар янги жиҳоз билан таъминланди. Хусусан, озиқ-овқат таъминоти яхши йўлга қўйилган. Бундай юмушларни ҳомийимиз «Тошшаҳаргаз» ўз зиммасига олган, — дейди оромгоҳ раҳбари Йўлдошвой Холметов.

Бу ерда меҳрибон, фидойи етакчи-тарбиячилар дам олувчиларни ўз фарзандларидек кўриб, самимий муносабатда бўлаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Оромгоҳда спартакиада, тўгараклар, адабий кечалар уюштирилиб, болалар ўз маҳоратини оширишмоқда. Тиббиёт хонасида барча дори-дармонлар бор. Соғломлаштириш бўлими УФО, УВЧ, Лампа Солюкс билан жиҳозланган. Маънавият ва маърифат хонаси ташкил қилинган. Кутубхона фондида 3 мингта китоб бўлиб, шундан 2700 донаси болалар адабиёти билан бойитилган.

**Юнусали ОЧИЛДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**

*Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари*

# ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ — МАСЪУЛИЯТЛИ ЖАРАЁН

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Собиржон Жабборов билан суҳбат**



**— Мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» номли маърузасида мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналишлари ва стратегик вазифаларини белгилаб берар экан, суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг янги босқичида нималарга эътибор қаратилиши лозимлигига атрофлича тўхталиб ўтган эди. Шу маънода, суҳбатимизни суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар кўлами, амалга оширилаётган ишлар, бу йўналишда учраётган муаммолар ҳақидаги фикрларингиздан бошласак.**

— Бажонидил. Ўзингизга маълум, ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги Концепцияси амалда жорий этилди. Судларнинг жиноий, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослашуви амалга оширилди. Қонунчиликка биноан суд ишларини апелляция ва кассация тарзида кўриб чиқиш институтлари иш бошлади, тергов-суриштирув ва кишиларни ҳибсда сақлаш муддатлари сезиларли даражада қисқартирилди, ишларни судларда кўриб чиқишнинг қатъий муддатлари белгиланди.

Сўнгги йилларда қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига, «Судлар тўғрисида»ги, «Прокуратура тўғрисида»ги қонунларга ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноятларнинг таснифланиши ўзгартирилди.

Ўта оғир жиноятлар жумласига киритилган жиноятлар рўйхати камайтирилди, содир этилган жиноятлар учун озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турлари, ярашув институти жорий этилди. Жиноий жазолар тизимини либераллаштиришга қаратилган бошқа бир қанча дастурий чора-тадбирлар қабул қилинди.

Жиноятга оид сиёсатдаги бундай ўзгаришлар мамлакатда ижтимоий-сиёсий, криминоген вазиятга ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Шунингдек, сўнгги йилларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимияти тизимини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини ошириш борасида муҳим ишлар қилинди.

Суд процессида айблов билан ҳимоянинг ҳуқуқий жиҳатдан тенглиги, уларнинг тортишув принципини таъминлайдиган ҳуқуқий механизмлар яратилди.

Суд қарорларини ижро этиш бўйича етарлича ваколатларга эга бўлган департамент фаолият кўрсатмоқда. Бу эса судларнинг айрим вазифалардан озод этилишига замин яратди.

Жиноят кодексида мулкни мусодара қилиш жазо чорасининг бекор қилиниши, судьяларни сайлаш, тайинлаш ва ваколатини тугатиш тартибининг такомиллаштирилиши борасида қилинган ишлар ҳам суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг муҳим босқичлари-дандир.

Шу билан бирга, ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Жумладан, судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш билан боғлиқ масала. Чунки якка ҳокимиятчилик тузумидан халос бўлиб, янги барпо этилаётган ҳуқуқий демократик давлатда суд тизимининг ислоҳ этилиши ва шаклланиши суд ва прокуратура муносабатлари билан боғлиқ масалани ҳам четлаб ўтмайди.

Қонунчиликни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини либераллаштириш бўйича юқоридаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши судгача тергов, одил судловнинг тезкорлиги ва сифати ошишини, суд процесси иштирокчилари ҳуқуқларига риоя этилишининг процессуал кафолатлари кенгайишини таъминлади.

**— Одил судловни амалга оширишда жамоатчилик иштирокини таъминлаш энг муҳим омиллардан бири сифатида қаралмоқда. Билишимизча, бу борада бизда асосан халқ маслаҳатчилари кўмагидан фойдаланилади. Айтинг-чи, улар фаолиятининг қандай ҳуқуқий асослари мавжуд?**

— Қонунчилигимиз, сиз айтгандек, одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчиларининг иштирокини кўзда тутади. Жумладан, «Судлар тўғрисида»ги қонунда халқ маслаҳатчиларига қўйиладиган талаблар, бундай маслаҳатчиларни шакллантириш тартиблари, Жиноят-процессуал кодексида эса халқ маслаҳатчиларининг суд жараёнидаги ўрни, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, «Судларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида»ги Низомда эса халқ маслаҳатчиларини сайлаш тартиби ёритилган.

Таъкидлаш жоизки, одил судловни амалга оширишда жамоатчилик иштирокининг амалий ифодаси бўлган халқ маслаҳатчилари институтининг алоҳида ўрни бор. Судлов жараёнида халқнинг бой тажрибаси, адолат ва соғлом фикрга асосланиш мезонларига таяниш айнан халқ маслаҳатчилари иштироки орқали таъминланади. Одатда халқ маслаҳатчилигига дунёқараши шаклланган, ишчанлик ва ахлоқий фазилатлари билан жамоа ўртасида обрў қозонган фуқароларимиз сайланишини ҳисобга оладиган бўлсак, уларнинг ҳаётий тажрибаси, халқнинг вакили сифатида жамият манфаатларини ифода этиши одил судлов ишига ўзгача мазмун бахш этади.

Яқинда қўмитамиз ташаббуси билан ўтказилган «Одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари институтини ривожлантириш» мавзусига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда одил судловни амалга оширишда жамоатчилик иштирокининг ифодаси бўлган халқ маслаҳатчилари институтининг алоҳида ўрни борлиги таъкидланиши билан бирга, улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш зарурлиги ҳамда уларни суд жараёнларига жалб қилишда учраётган муаммолар хусусида ҳам фикрлар билдирилди.

Жумладан, бугунги кунда халқ маслаҳатчиларининг сайлови фуқароларнинг яшаш, иш жойларида, ҳарбий қисмларда ўтказилади. Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг ташкилий тузилиши, уларнинг мулк шакллари ўзгариб турганлиги, ҳатто бугун халқ маслаҳатчилари сайловини ўтказган корхона эртага тугатилиб кетиши мумкинлиги айрим муаммоларни келтириб чиқаради.

Аҳоли яшаш жойларида халқ маслаҳатчиларини сайлаш масаласи ҳам алоҳида ёндашувни талаб этади. Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллаларнинг роли ошиб бораётганлиги боис халқ маслаҳатчиларининг яшаш жойларидан сайланиши бир қараганда тўғрига ўхшаб кўринади. Бироқ халқ маслаҳатчиси этиб сайланган киши баъзан иш жойида берилган ижобий тавсифда яшаш жойида берилганига нисбатдан таърифланган даражада бўлмаслиги мумкин.

Халқ маслаҳатчиларининг одил судловдаги иштирокининг яна бир муҳим жиҳати хусусида айтиб ўтиш лозим. Суд мажлисида иштирок этган суд маслаҳатчисининг энг аввало ҳуқуқий маданияти ошади ҳамда яшаш ва иш жойида оммавий профилактика ишларида ҳисса қўшади.

Шу боис, қўмита томонидан экспертлар, олимлар, тегишли соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда «Жиноят ишлари бўйича умумий юрисдикция судларининг халқ маслаҳатчилари тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг дастлабки варианти ишлаб чиқилиб, тегишли вазирликлар, ташкилотларга фикр-мулоҳаза ва таклифлар киритиш учун юборилди.

**— Суҳбатимиз ўз-ўзидан ҳуқуқий маданиятга бориб тақалаяпти. Бундан бир неча йил олдин, аниқроғи, 1997 йилнинг 29 августида Олий Мажлис қарори билан «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури» тасдиқланган эди. Агар шу даврдаги фуқарони бугунги кун билан таққослайдиган бўлсак, ер билан осмонча фарқ бор, албатта. Қолаверса, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг муваффақияти, қабул қилинаётган қонунларнинг ижроси ҳам бевосита халқнинг ҳуқуқий онги ва маданиятига боғлиқ.**

— Жамиятдаги ҳуқуқий маданият — бу инсон цивилизациясининг ажралмас қисми бўлган умумий маданиятнинг муҳим бир бўғинидир. Ҳуқуқий маданият юксак бўлган жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ҳам, унинг ижросини жамоатчилик томонидан назорат қилиш ҳам, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалда татбиқ этиш ҳам бир мунча осон кечишини ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатиб турибди.

Тўғри таъкидладингиз, бугунги фуқаро бундан ўн беш йил олдинги фуқародан ҳар жиҳатдан кескин фарқ қилади. Масалан, халқимизнинг мамлакатимизда илк бор ўтказилган икки палатали парламент сайловларидаги иштирокини олайлик. Сайловлар чоғида сайловчилар ўзларининг сиёсий ва фуқаролик савияси етуклигини, ўз ҳаёти ва келажагини умумэътироф этилган демократик қадриятлар асосида қуришга қодир эканликларини намоён этишди. Халқимиз бу жараёнга мамлакатимизнинг эртанги кунига дахлдор бўлган энг муҳим масала сифатида ёндошиб, ўз тақдирига таъсир кўрсатадиган сиёсий жараён сифатида қаради. Бу жуда катта аҳамиятга эга.

Қўмита томонидан фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни аҳоли кенг қатламига етказиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жойларда ўтказилаётган юзма-юз мулоқотлар, учрашувлар, давра суҳбатлари, семинарлар ана шу мақсадларимизни рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Жорий йилнинг апрел ойида Қўқон шаҳрида ўтказилган «Ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда қонун ижодкорлигининг ўрни» мавзуидаги семинар ҳам ана шу йўналишдаги тадбирларимиздан биридир. Айниқса, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган.

Яна бир оддий ҳақиқат бор. Яъни, фуқаролар қонундан қўрқиб эмас, балки уни ҳурмат қилишга ўрганганидагина амалдаги қонунлар том маънода юридик кучга эга бўлади. Чунки қонундан қўрққан инсон уни бузмайди, лекин қонунни доимий равишда четлаб ўтишга ҳаракат қилади. Қонунни ҳурмат қилган фуқаро эса, уни четлаб ўтишдан ўзини тияди. Қолаверса, қонунлар шундай яратилиши керакки, одамлар уни четлаб ўтишдан эмас, балки қонун доирасида иш юритишдан манфаатдор бўлишсин. Бу оддий ҳаёт ҳақиқатини, айниқса, биз, қонун ижодкорлари биринчи навбатда ёдда тутмоғимиз лозим.

**— Шу ўринда мамлакатимиз Президентининг яқинда матбуотда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойиши ҳақидаги фикрингизни ҳам билмоқчи эдик.**

— Президентимизнинг ушбу фармойишининг асосий вазифаси ўлим жазосини жиноий жазолар тизимидан чиқариб ташлаш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш борасидаги ишларни жадаллаштиришдан, уни амалга оширишнинг якунловчи босқичида ташкилий ишларни кучайтиришдан иборатдир.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан «Ўлим жазосининг бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҳамда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда.

Ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ баъзи ташкилий масалалар билан бирга, фуқароларни бу масалага шахсан тайёрлаш ҳам талаб этилади. Чунки айбланувчига нисбатан жабрланувчининг оила аъзолари қанчалик нафрат туйғуси билан муносабатда бўлишини ва жиноят содир этган шахсга суд залининг ўзида ўлим жазоси берилишини талаб қиладиганлар ҳам ўзини албатта ҳақ деб билиши бор гап. Шу боис, бу борада аҳоли ўртасида тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Фармойишда кўрсатилганидек, ҳозирги вақтгача билдирилган таклифларни тартибга солиш ва умумлаштириш зарур ҳамда уларнинг негизида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги фармон қоидаларининг амалга оширилишини таъминлайдиган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш жадвалини ишлаб чиқиш ва мазкур ҳужжатларни Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тақдим этиш лозим. Бу масъулиятли ишга ҳар бир депутат, сиёсий партияларнинг фракциялари ҳам жиддий ёндошиши ва фаол иштирок этиши талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган бу каби ислоҳотлар фақат судлар ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг фаолиятигагина тааллуқли иш эмас. Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг ислоҳотлар жараёнини Ватан, миллат, қолаверса, ҳар биримизнинг тақдиримизга боғлиқ бўлган ҳаётий зарурат сифатида қабул қилмоғимиз шарт.

**Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## КАСАБА УЮШМАЛАРИ мустақилликнинг ўн бешинчи йилида

***Бозор иқтисодиёти касаба уюшмалари иш услубига ҳам тузатишлар киритди. Бугунги кунда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи ижтимоий шерикчилик асосида, яъни жамоа келишувлари ва шартномаларини тузиш орқали ўз ечимини топмоқда.***

# ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЧИЛИК

## ҳам мажбурият, ҳам масъулият юклайди

Ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш мақсадида 2004 йили Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси билан меҳнат, ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ҳудудий келишуви қабул қилиниб, 2005 йили қўшимча ва ўзгартиришлар билан қайта имзоланди. Унда республика бўйича меҳнат, ижтимоий-иқтисодий масалалар, ҳуқуқ ва меҳнатни муҳофаза қилишга оид мажбуриятлар киритилишига эришилди.

Бундан ташқари, республика бўйича 13 та туманда 18 ҳудудий тармоқ келишувлари қабул қилинган. Ижтимоий шерикчиликнинг асосий механизми бўлган жамоа шартномасини қабул қилишга нафақат касаба уюшмаси, айниқса, иш берувчиларнинг ҳам қизиқиши кундан кунга ортиб бормоқда.

Жорий йилда ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мутахассислари томонидан мазкур ҳужжатларни қабул қилиш жараёнида қатор тармоқ касаба уюшма фаоллари билан семинарлар ўтказилди. Республика корхоналарида касаба уюшма фаоллари иштирокида «Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфатларини ҳимоя қилишда жамоа шартномаларининг тутган ўрни» мавзусида теле кўрсатувлар уюштирилди.

2-3 бетлар

## ҲАКАМЛАР НОМИ МАЪЛУМ

Футбол бўйича Осиё чемпионатининг саралаш баҳсларида иштирок этаётган Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари 16 август куни навбатдаги учрашувда Гонгконг терма жамоасига қарши майдонга тушади. Осиё футбол конфедерацияси ушбу ўйинни бошқаришни қувайтлик ҳакамлар бригадасига топширди. Бош ҳакам этиб Шаъбон Карсен тайинланди. Унга Мурод Ёсир Аҳмад, Юсуф Ал-Хоббоз ҳамда Носир Ал-Эназирлар ёрдам беради.

Хабарингиз бор, футболчиларимиз биринчи турда Қатар вакилларига 1:2 ҳисобида имкониятни бой берган бўлса, кейинги турда ўз майдонида Бангладеш терма жамоаси вакиллари дарвозасига бешта жавобсиз тўп киритганди.

**А. ЮНУСОВ**

# Мустақилликнинг ўн бешинчи йилида

Меросимизни ўрганамиз

## ЭҲТИРОМ РАМЗИ

*Йиллар ўтар орадан, ўтар қанча замонлар,*
*Келар турфа инсонлар, ўзгаради давронлар,*
*Довруғ солиб жаҳонга, ишонаман, ишонинг,*
*Бош кўтарар бу юртдан минглаб Абу Райҳонлар.*

Абу Райҳон Беруний мелодий 973 йилнинг 4 сентябрида Хоразм давлати пойтахти Кат (Қиёт) қалъаси яқинидаги қишлоқлардан бирида таваллуд топган. Болалигиданоқ илмга чанқоқлиги, қобилиятлилиги, зеҳни ўткирлиги боис Хоразмшоҳлар ва Абу Носир ибн Ироқнинг назарига тушиб, шоҳ саройидаги нуфузли мадрасалардан бирида таълим олади.

Муҳаммад Хоразмий, ал Фарғоний, Форобий, Абу Бакр Розий, Абу Носир ибн Ироқ каби шарқ олимларининг илмий меросини ўрганиш билан биргаликда Фалес, Суқрот, Афлотун, Арасту, Жолинус, Батлимус каби юнон олимларининг асарларини ҳам қунт билан ўқиб-ўрганган Абу Райҳон Ўрта Осиё, Ҳиндистон, араб ва юнон фалсафаси, табиий фанлар тарихи замирида улкан ишларга журъат этди ва шу тариқа жаҳон илм-фан тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшди.

Манбаларда аллома шундай таъкидлайди: тарихий воқеаларни ўрганишда қадимий халқларнинг афсоналарини ва ўтган авлод-аждодлар қолдирган меросларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки уларнинг кўпчилигида ўша халқлар ҳаётига оид тафсилотлар, урф-одат ва



қонунлари акс этган бўлади. Шу боисдан ҳам Абу Райҳон форс, араб, юнон, ҳинд ва шу каби бошқа тилларни ўзлаштириб, кузатиш, таққослаш, ёзма ва оғзаки афсоналар, турли маълумотлар йиғиш ҳамда уларни таҳлил қилиш натижасида қатор фанларга оид асарлар яратади. Жумладан, «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Геодезия», «Маъданшунослик» (Минерология) каби китоблари Европа ва Шарқ тилларига таржима қилинган.

Беруний ўз илмий асарларида дунёнинг тузилиши борасида Птоломей системасига суянган бўлса ҳам ернинг ҳаракатланиши ҳақида ўз фикрларини билдириб, Шарқда биринчи бўлиб Ер шари модели — глобусни ва бир қанча астрономик асбобларни яратган. Бундан ташқари, жўғрофия (география) соҳасида денгизларнинг жойлашишига оид аниқ жадвал тузган, минералларни миқдор оғирлигига қараб аниқлаш усулини ва классификациясини ишлаб чиққан.

IV-X асрлар оралиғида Хоразмнинг пойтахти бўлиб келган Кат қалъаси Жайҳуннинг (Амударёнинг) ўнг соҳилида жойлашган бўлиб, Буюк ипак йўлидаги Марказий Осиёнинг иқтисодий ва маданий марказларидан бири бўлган. Хоразмдаги ўша даврларда гуркираб ривожланаётган 40 та шаҳарлар ичида Кат илму фан, адабиёт ва бошқа соҳаларнинг тараққиёти жиҳатидан ҳатто Бухородан ҳам юксакроқ ҳисобланган.

Абу Ҳайр Ҳаммар, Абу Сахл Масиҳий, Абу Носир ибн Ироқ, ал-Бухорий каби алломалар фаолият юритган шоҳ Маъмун саройи ҳузуридаги «Мажлиси уламо» деб аталмиш академияга Абу Райҳон 10 йилдан ошиқ раҳбарлик қилади. 1017 йилда Хоразм ғазнавийлар давлатига қўшиб олингач, бу ердаги жуда кўп олим ва ҳунармандлар султоннинг буйруғи билан мажбурлаб Ғазнага олиб кетилади. Шулар орасида Беруний ҳам бор эди.

1036 йилнинг октябрида Абу Райҳон яратган барча асарларининг рўйхатини тузади. Шулардан бизнинг давримизгача фақат битта асл қўлёзма нусхаси етиб келган бўлиб, унинг арабча матни Лейдене шаҳрида сақланмоқда. 1048 йил 11 декабрда Абу Райҳон Беруний 75 ёшида Афғонистоннинг Ғазна шаҳрида вафот этади...

Истиқлол шарофати билан улуғ қомусий олим Абу Райҳон Берунийнинг ижоди ва ҳаётини чуқур ўрганиш имкони туғилди. 1997 йилнинг декабрида унинг ҳоки Ғазнадан ўзи туғилиб ўсган Кат қалъаси, яъни ҳозирги Беруний туманига олиб келиниб, рамзий қабрга дафн этилди.

Айни пайтда бу ерда Абу Райҳон Беруний музей-мажмуаси ташкил этилган бўлиб, кўркам зиёратгоҳга айлантирилган. Унинг илмий меросини ўрганаётган олимларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Беруний авлодлари» халқаро жамғармаси фаолият кўрсатмоқда.

**М.ЭГАМОВ,**
**«Беруний авлодлари» жамғармасининг ижроия директори**

Саховат



## МАКТАБГА МАШИНАДА

***Ёшларнинг келажакда маънавий етук, баркамол бўлиб етишишларида уларнинг болаликданоқ шаклланиб борадиган тарбияси муҳим аҳамиятга эга.***

Шу боисдан ҳам давлатимиз томонидан ёш авлод вакилларининг таълим-тарбиясини яхшилаш, билим ва дунёқарашини бойитиш мақсадида катта ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Меҳрибонлик уйи Хўжайли туманининг марказида жойлашган бўлиб, 1922 йилда ташкил этилган. Болалар уйининг ҳозирги биноси эса 1988 йилда қурилган бўлиб, 2004-2005 йилларда тўла реконструкция қилинди.

Республикадаги ўнлаб ҳомий қурилиш ташкилотларининг кўмагида бинонинг барча эшик, ойна, деразалари, шифтлари энг сифатли, замонавий турлари билан алмаштирилиб, жаҳон талаблари даражасига мослаштирилди. Мажлислар зали, катта ва ёруғ синфлар, рақс, гимнастика, ўқув хонаси, библиотека ва бошқа барча зал ҳамда кабинетлар янги электрон, спорт анжомлари, юмшоқ мебеллар, қандиллар ва бошқа ноёб жиҳозлар билан таъминланган.







Ички ҳамда ташқи спорт заллари, майдонлари алоҳида биноларда жойлашган бўлиб, унда ёшларнинг ўзлари хоҳлаган жисмоний тарбия тури билан шуғулланишлари учун барча қулайликлар ва шароитлар мавжуд. Айниқса, ёпиқ бассейндаги мусаффо сув, қолаверса бинонинг устки, остки, ён тарафларининг бир-бирига ҳамоҳанг биллурдай ялтираб туриши кўзни қувонтиради.

Меҳрибонлик уйи 200 ўринга мўлжалланган бўлиб, айни пайтда бу ерда 160 нафар бола тарбияланмоқда. Шулардан 117 нафари тумандаги 71- ва 55-мактабларда таҳсил олишади. Қолганлари эса шу ернинг ўзида ўқийдилар.

Меҳрибонлик уйи раҳбари Светлана Соннинг болалар ўқув-тарбияси, маънавиятини кучайтириш йўлида амалга ошираётган ишлари, айниқса, таҳсинга сазовордир.

— 2004-2005 ўқув йилида болалар уйини битирган 211 нафар ўқувчи касбга йўналтириш коллежларида ўқишни давом эттиришмоқда, — дейди Меҳрибонлик уйи раҳбари. — Уларнинг ҳолидан доимо хабар олиб турамиз. Ёшларимизнинг 6 нафари Тахиатош ишбилармон колежида, 5 таси Нукус тиббиёт коллежида, 4 нафари Қўнғирот қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежларида таҳсил олмоқда. Ўқиш жойларидан уларга ётоқхоналар ажратилиб, ёрдам пуллари билан таъминланган. Улар мен учун ўз фарзандларимдек бўлиб қолган.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан жуда катта тадбирлар амалга оширилди. Меҳрибонлик уйида Ниҳол мукофоти совриндори Максет Утемуротов хайрия концертини намойиш этди. Бундан ташқари, «Балли қизлар», «Туғилган кун», «Мучал тўйи», «Қушлар байрами» каби тадбирлар ҳам ниҳоятда таассуротларга бой бўлди.

— Ёшим 16да, Келажакда ҳарбий бўлмоқчиман. Ватанимга, бизга шунчалик ғамхўрликлар кўрсатаётган давлатимизга муносиб фарзанд — ҳимоячи бўлмоқчиман, — дейди тарбияланувчи Баҳром Худенов. — Ўтган йили кузда Меҳрибонлик уйига давлатимиз раҳбарининг ташриф буюриши болалар ҳаётида энг қувончли воқеа сифатида бир умрга сақланиб қоладиган бўлди. Улар энди мактабга ҳам пиёда қатнашмайди. Президентимиз совға қилган «Газел» автомашинаси тарбияланувчилар хизматида.

**Д.КАРИМОВА**



## ҚЎНҒИРОТ СОДА ЗАВОДИ

*Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган Қўнғирот сода заводи қурилиш дирекцияси бундан ўн бир йил муқаддам ташкил этилган. Айни пайтда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 14 майдаги қарори билан ушбу завод қурилишини якунига етказишга доир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Заводнинг технологик қисмини лойиҳалаштириш ва қуриш масалалари бўйича асосий ҳамкор Хитойнинг «Ситик» компанияси ҳисобланади. Мазкур компания жаҳондаги энг йирик қурилишларни лойиҳалаштиришда ва қуришда катта тажрибага эга.*

*Қурилиш лойиҳасининг ҳар жиҳатдан сифатлилигини текширувдан ўтказиш бўйича Ўзбекистон тарафидан голландиялик «Акза Нобель Инжиниринг» ҳамда белгиялик «Сольвей» компаниялари консултантлик қилмоқда.*

**Д.СУЛТОНОВА**



УзА олган суратлар

Мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллик байрами арафасида Қорақалпоғистондаги касб-ҳунар коллежлари сони яна тўрттага кўпайди. Бу йил Оролбўйидаги 76 та коллежга 26 минг 810 нафар йигит-қиз қабул қилинади.

### ТАЛАБАЛАР ЯНГИ БИНОДА ЎҚИШАДИ

Янги очилган Нукус ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежига ҳам абитуриентлардан ҳужжат қабул қилинмоқда. Бу ерда ёшларга ҳуқуқ ва ижтимоий муҳофаза, банк иши, тадбиркорлик фаолияти, молия, статистика, бошқарув ва иқтисодиёт йўналишлари бўйича сабоқ берилади.

- Янги ўқув йилида 330 нафар талаба қабул қилишни режалаштирганмиз,- дейди коллеж директори Мухтор Юсупов. - Замонавий меъморлик андозалари асосида бунёд этилаётган коллежимизнинг янги биноси талабаларимиз учун муносиб тухфа бўлади.

Коллежнинг янги биносини «Массагет» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари бунёд этмоқда. Ўқув заллари, компьютер синфхоналари, лаборатория, кутубхона, ошхона тез кунларда ёшлар ихтиёрига берилади.

Лойиҳанинг иккинчи навбатида ётоқхона ва спорт мажмуаси бунёд этилади.

**А.ОРТИҚБОЕВ**

Назорат

## ҲУҚУҚИМИЗ КАФОЛАТИ

домост тузиб, ўзлаштириб юборган.

Хўжайли тумани Марказий касалхонаси раҳбарлари 212,1 миллион сўм, туман ХТБ бошлиқлари 479,8 миллион сўм иш ҳақи пулларини банк мансабдори билан тил бириктириб, тарқатилмаган пулларга сохта ҳужжатлар расмийлаштириш орқали катта миқдордаги пулларни ҳазм қилиб юборишганига нима дейсиз? Ҳар қандай раҳбар у ёки бу лавозимга тайинланганида унга катта ишонч билдирилиб, тегишли ваколатлар берилади. Бинобарин, мансабини суиистеъмол қилган шахслардан биринчи ўринда давлат ҳам, фуқаролар ҳам бирдай зарар кўради.

Одамлар ризқига кўз олайтиришдан ортиқ гуноҳ бўлмаса керак. Афсуски, бунга ҳамма ҳам риоя қилавермайди. Манғит почта алоқа бўлимининг «Куюккўпир» шохобчаси бошлиғи Р.Гаипов пенсионер, кам таъминланган, ижтимоий муҳофаза учун ажратилган 29 492 655 сўм маблағни тарқатмасдан талон-тарож қилиб юборилишига сабабчи бўлган. Шунингдек, Чимбой почта алоқа тармоғи Чимбой бўлими раҳбарлари 40 миллион 200 минг сўмлик пенсия пулларидан 4 миллион 11 минг сўмини, мазкур туманнинг «Мой жап» бўлими бошлиғи эса 15 миллион 244 минг сўмлик пенсия пулларини ноқонуний йўллар билан ўзлаштириб юборганлар. Бундан ташқари, Беруний почтаси алоқа тармоғи раҳбарлари «Пахтабанк» мутасаддилари билан ўзаро қалбаки ҳужжатлар тузиб, 96 миллион сўм миқдоридаги пенсия пулларини коммунал тўловлари учун ўтказиб юборганлар. Юқорида келтирилган барча қонунбузилишларни бартараф этиш бўйича тезкор чоралар кўрилиб, айбдор шахсларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Ачинарлиси шундаки, юқоридаги каби ҳолатлардан кейин қонун бузилишига йўл қўйган шахслар айбларини хаспўшлашга уринадилар. Жавобгарликдан қочиш учун турли баҳоналар излайдилар. Қонун эса барчага баробар. Қонунлар ижроси қанчалик сифатли бўлса, жамият механизмидаги барча соҳалар фаолияти шунчалик эркинлашиб, ривожланиб бораверади.

**Х.ХАЛИМОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, III даражали давлат адлия маслаҳатчиси**

## ЭЛЛИКҚАЛЪА ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ

Ушбу тиббиёт коллежи 2003 йилда тўла реконструкция қилиниб, жаҳон талаблари даражасига мувофиқлаштирилди.

Бу ерда асосан ҳамширалик, даволаш ва лаборатория диагностикаси бўлимлари мавжуд. Коллеж иккита бинодан иборат бўлиб, айни пайтда 1195 нафар ёшлар таълим олишмоқда.

**Суратда: билим масканининг умумий кўриниши**



***Нукусдаги Давлат санъат музейи биноси қурилиш лойиҳасининг ўзига хослиги, бетакрорлиги билан ажралиб туради. Савицкий номидаги ушбу музей 2003 йилда қайта қуриб битказилди.***

## ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИ

У 1963 йилда ташкил этилган. Ноёб экспонатларни йиғишда ва музейни ташкил этишда катта ҳисса қўшганлиги боис 1984 йилда унга таниқли рассом, олим Савицкий номи берилган.

Айни пайтда музейда 85 мингдан ошиқроқ экспонатлар сақланмоқда. Йил давомида бу ерга 70 мингдан ошиқроқ кишилар, шу билан бир қаторда хорижий сайёҳлар ташриф буюришади.

Бундан ташқари, Савицкий давлат санъат музейи Англия, Италия, Франция, АҚШ, Япония, Россия ва шу каби бир қанча хорижий давлатларда ҳам кўргазмалар ташкил қилиб туради.

**Қўш саҳифани «Ишонч» мухбири Дилором АЛЛАҚУЛОВА тайёрлади**

